

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ

**386** Ўзбекистон Республикаси тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сонли Фармонига мувофиқ, шунингдек, тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва фаолиятини тўхтатиш механизмлари янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 27 апрелдаги ПҚ–630-сонли қарори билан тасдиқланган тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин.

2. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини мазкур қарордан келиб чиққан ҳолда мувофиқлаштирсин.

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.*

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 22 май,  
ПҚ–2985-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2017 йил 22 майдаги  
ПҚ–2985-сонли қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил  
27 апрелдаги ПҚ–630-сонли қарори билан тасдиқланган  
тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг  
фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисидаги низомга  
қўшимча ва ўзгартишлар**

1. 34-бандида:  
бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«агар мавжуд бўлса, корхонанинг муҳр ва штамплари»;  
еттинчи хатбоши чиқариб ташлансин;  
саккизинчи, тўққизинчи ва ўнинчи хатбошилар тегишли равишда еттинчи, саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.
2. 46-бандининг еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«мавжуд бўлса, корхонанинг муҳр ва штамплари».
3. 47-бандида:  
иккинчи хатбошидаги «рўйхатдан ўтказган орган» сўзлари «камерал назоратни ўтказди» сўзлари билан тўлдирилсин;  
учинчи хатбошидаги «икки ҳафта мобайнида» сўзлари «бир ҳафта мобайнида» сўзлари билан алмаштирилсин.